

ЖАМОАТ БИНОЛАРИ МЕМОРЧИЛИГИДА МИЛЛИЙ ХУНАРМАНЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

*К.Бехзод номидаги МРДИ
2-курс магистранти Рамазанов Д.Н,
Илмий раҳбар: доц. Мансуров Я.М.*

Мақолада жамоат бинолари меморчилигида миллий хунаرمандчиликнинг ўрни ўзига хослиги жамоат биноларида ишлатилишидаги тамойиллари ва ишлатилиш услублари турлари ҳозирги кун замонавий архитектурада ўрни ҳақида сўз боради.

В статье раскрывается роль народно-прикладного искусства в общественных зданиях и их роль в формировании архитектуры общественных зданий их типы, виды, как они используются в современной архитектуре.

The article emphasizes the role of decorative materials in public buildings and their role in the use of decorative materials in public buildings and how they are used in modern architecture.

Халқ амалий санъати ўзининг қадимийлиги ва жозибаси билан кишиларни қалбидан чуқур жой эгаллаб келмоқда.

Биноларни гулдор қилиб қуриш анъаналари ва маҳаллий қурилиш ашёларининг нафислик, бадиийлик хусусиятларини теран бериш, шунингдек, Ўрта ва Яқин Шарқда ганч-алибастр, турли хил тош, сополларнинг кенг тарқалганлиги бу қадимий санъатнинг мустаҳкам асосини ташкил этади. Самарканд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бошқа шаҳарларнинг оламга машҳур ёдгорликлари ўрта аср рассомлари ва меъморлари, наққошлари ва хаттотлари, ўймакорлари ҳамда куллоларининг юксак маҳоратидан далолат беради ва асрлар давомида ҳалқимизни бой меросини бизларга етказаяпти.

Тарихий бинолардаги сопол копламалар (жимжимадор қилиб ғишт териш, кўшма ва уйма кизгиш сопол, ёрқин ранг-баранг кошин), нақш ўйилган тош ва мраморлар,¹ меъморий безакларнинг энг пишиқ, кўпга чидайдиган, шунингдек, энг қулай меҳнатталаб қимматбаҳо турлари бўлиб, деярли барча ҳолларда сарой, қаср, масжид, макбара каби қурилишлар билан боғлиқ. Наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги жозибали ҳамда бир

¹ Булатов М.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т., 1991.

мунча арзон безак бўлганлиги сабабли карийиб XX асргача кишиларнинг турар жойларини жихозлашда анчагина кенг қўлланилган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бадий меъморчилик мактаблари юзага келган. Улар нафақат ўзларининг хажм-режали композициялари билан, балки безакли жихозларнинг ғоят нафислиги билан ҳам диққатга сазовор эдилар. Бу мактабларнинг композиция услуби ва ранг беришдаги фарқни англаш учун Фаргон ва Хоразм нақшу нигорларини таккослашнинг ўзи кифоя. Фаргона водийсида четлари чиройли килиб айлантирилган, ичига ислимий шакл туширилган ва кизил ҳамда яшил бўёқлар билан жилоланган чойхона меморчилиги афзал турса, Хоразмда наққошлар бутун юзани геометрик нақшлар билан тулдириб, мовий ва оч рангли бўёк беришни хуш кўрганлар. Тошкентдаги “Султон сарой” чойхонаси нақшлари эса ўзининг нафислиги ва рангларнинг майинлиги, аник бир колоритга катъий риоя қилиниши, геометрик ва ўсимликсимон нақшларнинг қўп ишлатилиши билан ажралиб туради. Нақшлар кўпинча яшил гаммада ишланади. Чойхона биноларининг деворларида гулли бутуқлар, дарахтлар, гулдонли гулдасталар акс эттирилган, шифтлари эса турли-туман нақшлар билан безатилган. Чойхона ички қисмидаги деворлар бўйига уч қисмга бўлинган; панель қисми, ўрта (энлироқ) қисми ва энг юкори қисми, яъни фриз. Йирик хажмдаги нақш композициялари, одатда, деворнинг ўрта қисмига жойлаштирилган. Унвонли ёзувларни ҳам айнан шу қисмда битиш кўзда тутилган. Фриз эса геометрик нақшлардан (гирих) иборат булган². Чойхона деворларнинг шифтга туташган жойида ганчли карниз - шарафа ўрнатилган. Шифт эса бир неча айрим-айрим бўлақларга бўлиниб, улар ўртаси ўйиб ишланган ганчли куббалар билан безатилган. Бу жойлар хавзак деб аталган. Хавзакларга турунжлар, ислимий ёки геометрик нақшлар туширилган. Халқ усталарининг биноларни безаш да қўллаган бу усуллари, одатда, барча саждагох ва жамоатчиликка мўлжалланган биноларда қўлланилган. Бу тоифа нақшлаш ишлари куйдаги тартибда олиб борилган; яхшилаб ишлов берилган силлиқ юзага нақш композициясини тушириш ва уни чизиб чиқиш, шундан кейин жило бериш бошланган. Наққош ҳамма шаклларни мос равишда ранглаб бўлгач, нақшларни пардозлаш (сиёх калам, таргил, тарок) билан ўз ишига хотима ясаган. Махалли меъморчилигининг архитектура конструкцияларига ва деталларига таркибий боғланган нақшлар бутун иншоотга мукамаллик ва ўзига хослик бахш этган. Бу даврда яратилган нақшу нигорлар ўзларининг

² Булатов М.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т., 1991.

пухта мутаносиблиги, рангларининг уйғунлиги ва бичимларининг ўта нафислиги билан диққатга сазовордир.

Юртимизда мустакиллик қарор топгандан кейин, ҳар соҳада бўлгани каби ўзбек халқ амалий безак санъатида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида” ги³ Фармони қабул қилинди. Соҳага эътибор кучайди.

Айниқса Наққошлик санъатимиз анъаналарга бойдир иш услублари рангбаранг ва серқирралиги билан ажралиб туради. Наққош ўз ишида рангларнинг табиий жилосидан, бежирим шаклдан материал фактурасидан мохирлик билан фойдаланиб ёрқин ифодаликка эришади. Инсоният ўзи учун зарур ҳисобланган барча кийим-кечак, рўзғор ва уй анжомларини доимо такомиллаштириб безаб келади. Шунинг билан бирга, ҳар қандай бадиий безатилган буюм ва жихозларнинг ўз безатилиши усуллари ва материалларга бадиий ишлов бериш босқичлари мавжуд. Бундай безак ва ишлов берилиб ясалган буюмлар кишиларга эстетик завқ бағишлаб, ҳаётга бўлган муҳаббатларини янада оширади. Қўли гул усталаримиз томонидан сайқал топаётган наққошлик, заргарлик, пичокчилик, каштачилик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлик буюмлари нафақат бугунимиз, балки, келажак авлодларимиз ҳам тарихий бойликлари, маънавий қадриятлари бўлиб келмоқда ва ҳалқимиз тарафидан эзозланиб, меҳмонлар эса қизиқиш уғатмоқда.

Шу жумладан буларни, қадриятларимиздан яна бири бўлмиш кўп асрлардан бизгача давом этиб шаклланиб келатган ҳамда турмуш тарзимизнинг бир бўлаги бўлган чойхоналарнинг меморий тузилишида ва ички безакларида миллий хунармандчилигимизнинг мисолида кўришимиз мумкин. Бунда айнан ёғоч ўймакорлигининг ўрни ўзгача. Бу ерда нақшли буюмлар авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳам бадиий жихатдан, ҳам хизмат қилиш нуқтаи назаридан такомиллашиб борган ва узоқ муддатли синовларга бардош берган. Улар одамларнинг рухий, ахлоқий ва жўшқин ҳаёти билан узвий боғлиқ. Ўзларининг шакл-тамойиллари, ранг-баранглиги, нафислиги жихатидан ягона композицион маъно касб этиб, турмушга осонлик билан синигиб кетган ҳаётимизни бир қирраси бўлиб қолган. Уларга мисол қилиб хонтахталар, қутичалар, тахтакашлар сўрилар супалар йоғоч эшиклар умумий бир қоидага таяниш нақшлар талқинидаги бир-бирига яқинлик ана шундан келиб чиқиб нақшли ёғоч биноларни безашда муҳим роль ўйнаган. Ушбу жихозлар сингари XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Европа шаҳарлари аҳолисига манзур бўлган шаркона кўп қиррали курсилар ва бошқа жихозлар етказилган ва кенг қўлланилган.

³ Ўзбекистон Президенти М.Ш. Мирзиёев 2017 йил 17 ноябрь

Сўнгги асрларда ўзбек ўймакорларининг тасвирий услублари хилма хил бўлиб бормоқда. Юпқа рельефли нақшларнинг турлари бой ва хилма хил бўлишига қарамай, усталар уларни асосан учта - бағдоди, ислими ва паргори композицияли услубга ажратишган. Ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос безак мавзулари ва композицион тузилиши, ўймакорлик услублари ва нақшли рельефнинг таъсир кучи уларни бир-биридан ажратиб туради. Бағдоди услубидаги ўймакорлик бир мунча содда геометрик чизиклардан иборат. Қадимда бағдодининг хилма хил турлари рўзгор буюмларини безашда кенг қўлланилган. Ислими услубидаги ўймакорлик асосида деярли азалдан бутун Ўрта ва яқин Шарқда маълум бўлган ҳамда кенг тарқалган классик безакнинг ислими мавзусидаги хилма-хил ўсимлик ва ўсимликсимон геометрик шакллар ётади. Бу хил безакларнинг шакл ва композиция жихатидан ўзларига хос катъий қонун қоидалари бор. У бир текисда, ғунча, барг, гуллар⁴ билан қопланган серхашам шохлардан иборат бўлиб, бошқа шу хилдаги шаклларга қатишиб кетган бўлади. Ислими нақши юпка рельефли ўймакорлик тарзида танланган фон бўйича ишланади. Кўпинча рельеф билан фонга яхшилаб сайкал берилади. Нозик фонли ўймакорликнинг махсус турларидан бири паргори услубидир, бу услуб асосида доира, тўртбурчак ва учбурчаклардан иборат геометрик тўқима яъни композиция ётади. Паргорининг намуналари Тошкентлик истеъдодли наққош, Мехнат Қаҳрамони Сулаймон Хўжаев ҳамда қуқонлик машхур усталар:-Ҳайдар Нажмитдинов ва унинг ўғли Қодиржон Ҳайдаровнинг ижодида ўз аксини топган. Бу уста ўймакорликнинг барча турларини, жумладан, терма ўймакорлик услубини эгаллаган, кўп ҳолларда паргори ва ислими усуллари биргаликда қўлланилади.

Ёғоч буюмларини нақшлашдаги халқ усталаримизнинг ютуқлари улқандир. Уларнинг ижод намуналари турли музей, кўргазма заллари, бадий салонлардан кенг ўрин олган. Шу билан бирга, бу санъат намуналарини нафақат Республика миқёсидаги кўргазмаларда, балки, нуфузли чет эл ҳалқаро кўргазмаларида ҳам юқори ўринларни олиб қайтган.

Халқ амалий санъатининг, асосан наққошлик санъатининг нуфузини оширишда халқ усталари О.Қосимжонов, Ё.Рауфов, А.Болтаев, С.Норқўзиев, А.Азимов, А.Исаев, Б.Абдуллаев, Т.Тўхтаўжаев, Ж.Ҳакимов, Т.Ахмедов, К.Каримов, М.Тўраев, А.Илхомовларнинг хизматлари катта. Ўзбекистон халқ усталари ижодида меъморий безак санъати катта ўрин эгаллайди.

Маълумки, гўзал бино ва унинг безаклари инсоннинг психологик ҳолатига таъсир қилади. Санъат катта ҳиссий кучга эга. У инсонни

⁴ Булатов М.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т.,1991.

енгиллаштиради, эркинликка олиб келади, қоронғи фикрларни йўқ қилади, ишонч ва куч беради. Бундай таъсурот куйигидаги мисолларда кўришимиз мумкин. Қардош давлатларимиздаги чойхона меморчилиглари ҳам ўз навбатида тақсинга лойиқ, жумладан Тоджикистонадги “Сино” чойхонаси маданий, маърифий ва кўнгил очиш масканлари сифатида, у инсонпарварликнинг олижаноб функциясини амалга оширади, айна вақтда унинг безаклари эстетик таълимга ҳисса қўшади. Ҳақиқатдан “Сино” чойхонаси шифтлари устунлари тақсинга лойиқ ўзгача гўзаллик кўзни қувнатувчи ранглар жилоси ўз кучини корсатади. Чойхонанинг фризлари қарағай ёғочидан тайёрланган ва олти босқичли композитсияни ифодалайди. Биринчи кадам, кенглигининг 16 дан 24 см гача, гул нақшлари, конвекс кордонлар ва нақшлар билан безатилган. Фризнинг учинчи босқичи бутун таркибдан чиқарилади ва нақшли тишли ва бўғизланган чегарага эга. Олти босқичли ўйилган фризлар чойхонани безатишда тўлиқлик ва ноёб сەҳр келтиради. Нақшиннинг алоҳида қисмлари стили олтига баргли ва саккиз баргли, гул куртаклари ва ўсимликларнинг куртакларидан иборат. Бу нимадан далолат берадики қайси давлатни асари болишидан қатъий назар хунарманд усталарнинг чойхона меморчилигида ажойиб ечим концепсиясини топганлиги тақсинга лойиқ.

Юқоридаги маълумотлар ва мисоллардан кўриниб турибди, аждодларимиз қолдирган маданий меросимиз қадирланади ва ривож топаяпти. Республикамизга замонавий технологияларни кириб келиши натижасида архитектура меъморчилигимиз янги кўриниш кашф этмоқда. Баланд, хашаматли бир-биридан чиройли архитектура иншоотлари қурила бошланди. Бу иншоотларни безаш албатта замонавий услубда олиб борилмоқда. Халқ усталаримизнинг услублари ҳам кенг тадбик этилиб келинмоқда ва тақсинга лойиқ замонавий бўлиб бормоқда. Миллий уста хунармандларимиз замонавий иншоотларда ҳам амалий санъатимизни ўз ўрни ва жойида бошқа санъат намуналари билан уйғунликда ишлатишга сазовор бўлмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Булатов М.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т.,1991.
2. Нозилов Д.А. Халқ усталари ижоди Т.2009 й.
3. А. Зияев. Комплекс Шайхонтахур прошлом и настоящим. Историко–архитектурный очерк. Т.: 2008
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.//Мулоқот журнали, 1998 йил. № 6.

5. Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги Қонуни.—Тошкент, 2003.
6. **Ахмедов М.К.** Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.—Т., 1997.
7. **Булатов С.** Ўзбек халқ амалий безак санъати.—Т.: Меҳнат, 199